



## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ «САДДИ ИСКАНДАРИЙ» ДОСТОНИНИНГ КОММУНИКАТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўлмасбек Хўжаев

Ўзбекистон Ёзувчилар ва  
Журналистлар уюшмаси аъзоси,  
ЎзЖОКУ магистри

**Аннотация:** Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг “Хамса” асари таркибида кирувчи “Садди Исандарий” достонининг коммуникатив аспектлари тадқиқ этилган. Жумладан, асар таркибидаги коммуникативлик, хусусан, сиёсий коммуникативлик унсурлари ўрганилган. Мумтоз бадиий асар мисолида сўз ва ахборотнинг коммуникациялашувдаги ўрни очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий. Садди Исандарий. Навоийшунослик. Коммуникация. Мулоқот. Сиёсий коммуникативлик. Ижтимоий ахборот. Бошқарув. Воситали коммуникация. Воситасиз коммуникация.

**Аннотация:** В данной статье исследуются коммуникативные аспекты эпоса «Садди Исандарии», вошедшего в произведение Алишера Навои «Хамса». В частности, изучены элементы коммуникативности, особенно политической коммуникативности в композиции произведения. Роль слова и информации в общении раскрывается на примере классического произведения искусства.

**Ключевые слова:** Алишер Навои, Садди Исандарий, навоийские исследования, коммуникация, связь, политическая коммуникативность, социальная информация, менеджмент, опосредованное общение, не опосредованное общение.

**Abstract:** In this article, the communicative aspects of the epic "Saddi Iskandarii" included in Alisher Navoi's works "Khamsa" are studied. In particular, elements of communicativeness, specially political communicativeness, in the composition of the work have been studied. The role of words and information in communication is revealed on the example of a classic work.

**Keywords:** Alisher Navoi. Saddi Iskandari. Navaoi studies. Communication. Political communication. Meeting. Social information. Management. Mediated communication. Direct communication.

Қадимдан шарқда кенг тарқалган машҳур шахслардан бири Исандар Зулкарнайн образига диний адабиётлардан кейин бадиий адабиётда Фирдавсий (934-1024) “Шоҳнома”сида, кейинчалик “Хамса”чилик анъанасида ижод қилган етук ижодкорлар Низомий Ганжавий (1141-1209), Ҳусрав Дехлавий (1253-1325), Абдураҳмон Жомий (1414-1492) каби улуғлар ўз ижодларида мурожаат қилишган.

Алишер Навоийнинг “Садди Исандарий” достонини шу кунгача қўплаб тақдикотчиilar филологик жиҳатдан тадқиқ қилиб ўрганишган. Замон





тараққиёти ва илм-фан ривожидаги ўзгаришлар туфайли “Садди Искандарий” достонини коммуникация билан боғлаб ўрганиш, унинг аҳамиятини ёш авлодга етказиш, хусусан сиёсий коммуникатив жиҳатларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

“Садди Искандарий” достони йирик достон бўлиб 89 боб, 7215 байтдан ташкил топган. Садди Искандарий достонини тўла маънода сиёсий коммуникацияга оид асар дея эътироф этишимиз мумкин. Коммуникация тушунчаси “алоқа”, “муомала” ва “муносабат” маъноларини англатади. Коммуникация тушунчаси ҳақида Сиёсий фанлари доктори, профессор Муқимжон Қирғизбоевнинг 2013 йил “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган “Сиёсатшунослик” китобининг 416-саҳифасида “Коммуникация ўз ичига бир неча тушунчаларни олади. Улар қуйидагилардан иборат: моддий ва номоддий дунёдаги ҳар қандай обьектларнинг алоқа воситаси; инсондан инсонга нисбатан алоқа воситаси; инсондан инсонга нисбатан алоқа, ахборот узатиш; жамиятдаги ахборот алмашиш(ижтимоий ахборот).”

“Коммуникация” тушунчаси адабиётларда XX аср бошларида пайдо бўлди. Ахборот алмашиш бир томон ахбротни таклиф этиб, иккинчи томон уни қабул этгандагина рўй беради. Шу тарздаги ахборот алмашув коммауникатив жараён дейилади. Коммуникация тузилмаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

-Бошқарув (ёки сиёсий) органи ва атроф-муҳит билан коммуникациялашув;

-Давлат органларидаги ўзаро даражали коммуникация; вертикал – пасайиб ва кўтарилиб борувчи; горизонтал – бошқарув органи турли бўлинмалари билан ўзаро ахборот алмашув; - “раҳбар – бўйсунувчи” тарҳи асосидаги коммуникация; - норасмий коммуникация; Жамиятда инсоннинг яшashi ва фаолияти учун табиий зарурат сифатида пайдо бўлган инсоний коммуникация ҳам ривожланди. Инсоний коммуникация – кўп қиррали жараён бўлиб, унинг асосида хабар жўнтувчиларнинг унга маълум мазмун баҳш этиши ётади.”

Шунингдек бугунги кунда ижтимоий онгни ривожлантириш ва юксак фуқоролик позициясига эга кадрлар шаклланиши учун, ҳар бир талаба Койковуснинг “Кобуснома”, Форобийнинг “Фозил одамлар шахри”, Низомулмulkнинг “Сиёсатнома”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер





Навоийнинг барча асарларини, хусусан “Муншаот” даги Бадиuzzамон Мирзога ёзган мактубини яхши ўқиб ўрганмоги мақсадга мувофиқ бўлади.

Улуғ Навоий ҳам давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ва бошқаришда фаол иштирок этган ва ўз асарлари билан замондоши, хукмдор Хусайн Байқорога кўмакдош ва барча шохзодаларга маънавий устоз эди. Ўз достонларини ёзиб, ҳаттотларга кўчиритириб, ўз даврида иқлиmlарга тарқатган ва бу ишлари учун юксак даражада қадрланган.

Давлат ва жамиятни ривожлантиришда коммуникациянинг барча кўринишларидан фойдаланиш зарур ҳисобланади. Бугун матбуот ва радио телевидение бевосита интернетта кўчаётган, тезлик мухим рол ўйнаётган фурсатларда, ижтимоий онгни шакллантириш ва бошқаришда Алишер Навоий маънавий меросининг ўрни ва роли юксак даражада.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумукинки, китоб аввало коммуникация воситаси; барча медиологик хусусиятларга эга.

- Инсоний коммуникация**, яъни муаллифнинг Аллоҳга ҳамд айтиши, устозлар руҳидан мадад сўраши, анъаналарни давом эттиришда қалбидан ёрдам сўраши;
- Воситали коммуникациянинг** ибтидоий кўриниши, нарса буюмлар рамзи воситасида коммуникация қилиш. Доронинг Искандарга чавгон, тўп ва кунжуд юбориши; Элчиларнинг бориб келиши ва шу кабилар. Яна коммуникациянинг замонавий кўринишлари ҳам мавжуд.
- Воситасиз коммуникация**. Яъни достоннинг 18, 22, 26, 30, 34, 38, 46, 51, 55, 59, 63, 67, 71, бобларида Искандар Арастудан, 71-, 73-бобида Сукротдан савол сўрайди ва жавоб олади. Яни тўғридан-тўғри мулоқот қиласи. 79-бобда бир киши Луқмондан савол сўрайди.

Шунингдек, достонда мамлакатлар, давлатлар, жамиятлар аро коммуникация ва шахслар аро коммуникациянинг барча формалари ва унсурлари мавжуддир.

Шу маънода Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонининг коммуникатив жиҳатларини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- Алишер Навоий. Хамса: Садди Искандарий.-Т:F.Фулом, НМБ. Ф.ф.н. Мавжуда Ҳамирова нашрга таёrlаган нусха.





O'ZBEKISTON JURNALISTIKA VA  
OMMAVIY KOMMUNIKATSİYALAR  
UNİVERSİTESİ



2. Алишер Навоий. Хамса: Садди Искандарий. Т. “Ғ.Ғулом”, НМИУ. 8-жилд. 2013 йил.
3. Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик.-Т: “Тамаддун”, 2018 й.
4. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Т. “Янги аср авлоди” НМИУ. 2013 й.
5. Алишер Навоий. Хамса:Садди Искандарий. Изоҳлар билан нашрга тайёрл. П. Шамсиев; Мас. мухаррир А. Абдуфауров. -4806.



O'ZBEKISTON JURNALISTIKA VA  
OMMAVIY KOMMUNIKATSİYALAR  
UNİVERSİTESİ